

Oila

№ 39 (1345)
27 SENTABR
2017 YIL

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «TURON»
АХБОРОТ-КУТУБХОНА
МАРКАЗИ



"БЕТОБ
БЎЛИБ
ХАЁТ
МОХИАТИНИ АНГЛАДИМ..."



КАМГАП
АЁЛЛАРНИ
ХУРМАТ
ҚИЛАМАН



УСТАНИНГ ОРЗУСИ
УШАЛМОҚДА

va Jamiyat

РЕКЛАМА:

МАНФААТ ВА МАЪНАВИЯТ

Негадир рекламалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолгандек гўё. Реклама нима ўзи? Унга ҳар ким ҳар хил баҳо беради. Кимдир рекламани иқтисодий ён ҳаракатга келтирувчи куч ҳисоблайди. Биз иккинчи фикр томон бориб, ана шу ижод маҳсулидан тўғри фойдаланяпмизми, кўчалар, транспорт воситалари, бекатларга жойланаётган матнли рекламалар, телевидение орқали намоий этилаётган реклама роликлари маънавиятимизга қай даражада таъсир ўтказмоқда, деган саволга жавоб изламоқчимиз?

1 ОКТАБРЬ – ҲҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ




КАДАСТРНИНГ ИШИ БАДАСТИРМИ?

ёхуд Сурхондарё дарёсининг қирғоқбўйи ерлари нега талон-тарож қилинмоқда?

Ер юзидаги жами сув захирасининг бир фоизини ташкил қиладиган чучук сув йилдан-йилга камайиб бораётгани инсониятни жиддий хавотирга солмоқда. Тоза ичимлик суви муаммоси билан тўқнаш келмаётган бирор бир ҳудуд бўлмаса керак. Ўтган аср асорати – Орол фожiasi минтақамизда сув танқислигини янада кескинлаштирмоқда.

Шу боис мамлакатимиз ҳукумати истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мавжуд дарёлар, каналлар ва сув омборларини алоҳида муҳофаза зонасига айлантириш борасида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилди. Шулардан бири – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 январдаги қарори Сурхон воҳасидаги Сурхондарё дарёсининг сувини муҳофаза қилиш ва қирғоқбўйи полосасини белгилашга қаратилган. Мазкур қарор асосида 2004 йил 17 январь кунин Сурхондарё вилояти ҳокимининг 10-сонли қарори қабул қилинган. Унда Сурхондарё дарёсининг сув муҳофаза ҳудудларининг майдони, жумладан, қирғоқбўйи минтақаси вилоятлар кесимида белгилаб берилган. Хусусан, вилоят бўйича сув муҳофаза ҳудуди 9208, қирғоқбўйи минтақаси 1521,3, сув ҳўжалиги объектилари эгаллаган майдон 12,8 гектар, деб кўрсатилган. Мисол учун, Қумкўрган туманида қирғоқбўйи 280,4, сув муҳофаза ҳудуди 1667 гектар деб белгиланган. Туман Ер ресурслари ва ер тузиш кадастри бўлими томонидан бу ерлар Сурхондарё вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармасига тегишли эканини тасдиқловчи ва унга доимий эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилган.

– Шунга қарамай, ханузгача Қумкўрган ва бошқа туманларда Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ўрмон ҳўжалигига тегишли



Сурхондарё дарёси ва унинг сув муҳофаза ҳудуди ҳамда қирғоқбўйи минтақаси

ерларни аниқ ўлчаб бермагани боис бу ерларда бошбошдоқлик ҳуқуқ суриб, фуқаролар қирғоқ бўйларидан ўзбошимчилик билан фойдаланиб келмоқда, – дейди ўрмон ҳўжалигининг собиқ ходими Тўраҳон Авазов. – Бу эса, турли мижозларга, низоларга сабаб бўляпти. Қумкўрган туман ҳокимлиги томонидан шу кунгача ўнлаб фуқарога сув омбори ва дарё соҳилларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилган. Дарёнинг "Жанубий Сурхон" сув омборига туташ қирғоқлари бошланишидан то Жарқўрган туманигача бўлган 43 километр масофа дам олиш ва кўнгилочар масканлар, сауналару ҳаммомлар, ёқилги қуйиш шохобчалари, емакхоналар билан тўлиб-тошганки, улар дарё қирғоқлари ва сувларини турли чиқиндиларга тўлдирмоқда. Бундай ноҳуш ҳолатлар биргина Қумкўргонда эмас, балки, дарёлар, қўллар ва сув омборлари соҳиллари даромад манбаига айлан-тирилган бошқа ҳудудларда ҳам кўзга ташланади.

(Давоми 6-бетда)



Бугун телеэкран орқали берилаётган рекламаларнинг катта қисмида "Artel" компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган маийий техникалар тарғиб этилмоқда. Яқинда "Artel" телевизорининг рекламасига кўзим тушиб қолди. Қизиқчи ва актёр Тўхтамурод Маҳкамов оила бошлиғи, ота ролини гавдалантирган. У чонога кирмоқчи бўлганида сериал кўриб ўтирган келинлар бармоғини лабига босиб, "жим" ишорасини қилади (Бу билан қайнотага нима дейишмоқчи эканини тушуниш қийин эмас). Ота: "Ўзимга бошқа телевизор сотиб олмасам бўлмайди шекли", дейди-ю, янгисини олгани кетади. Аммо футбол кўриш учун уйга кирган бобо экран қаршисида невараларига дуч келади ва уларнинг раўйига қараб, футбол кўришдан умидини узади. Ушбу ролик орқали буюртмачилар телевизорни ҳар бир инсон учун жуда ҳам зарур восита эканини ифодаламоқчи бўлишади. Аммо зийрак томошабин: "Бу роликда отанинг оиладаги ҳурмати йўқ экан-да", деган уйга бориши шубҳасиз.

(Давоми 7-бетда)

ИШДА ҲАМ, ОИЛАДА ҲАМ ЎРНАК

Кўнғироқ чалинди-ю, мактаб ҳовлисидаги болаларнинг шовқини тинди. Ўқувчилар бирин-кетин синфга кириб, устозни кута бошлади. Рус тили фани ўқитувчиси Гулнора Мирзабоева кириб келганида синф сув қуйгандек жим-жит эди. 16 нафар ўқувчининг ҳаммаси дарсга тайёрланиб келган кўринади. Уларнинг билимга ташналигини нигоҳларининг порлаб туришидан ҳам билса бўлади. Устоз анчадан бери қўллаб келаётган педагогик услубини ишга солди...

Кўқон шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулнора Мирзабоеванинг педагогик услубини барча ҳамкасблари яхши билишади. Фаолиятини 30 йил олдин бошлаган Гулнора опа замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланади. Ҳафтасига 2 соат дарсининг 1 соатини замонавий проект орқали ўтиши ёш ўқитувчиларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Чунки Гулнора опа интернетдан ўз вақтида унумли фойдаланишни яхши билади. Буни шогирдларига ҳам тавсия қилади.

Унинг давлат таълим стандартлари асосида дарс ўтиши жамоада кенг эътироф этилиб, Кўқон давлат педагогика институтини билан ҳамкорликда ташкил этилган “Маҳорат мактаби” йўналишига киритилган. Шунингдек, тажрибасини бошқаларга ўлаштириш мақсадида институт билан ҳамкорликда ўтказилган семинар-тренинглар, очиқ дарсларда мунтазам қатнашиб боради. Замон билан ҳамнафас ўқитувчининг услубини нафақат туманда балки вилоятда оммалаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Бошланғич синфларда болаларни фанга янада қизиқтириш мақсадида “Мен ким?” (“Игра: Кто, Я?”) ёки юқори синфлар учун “Ақлий ҳужум” (“Мозговая атака”) каби ўйинлар усулида дарс ўтиши анъанага айланган. Ҳафтанинг ҳар сешанбаси – Метод кунини сифатида Кўқон давлат педагогика



институтини ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда очиқ дарслар ташкил қилинади. Бундай ҳамкорликдан педагогик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёш мутахассислар Гулнора опа сингари тажрибали устозлардан ўрнак олиб, устоз-шогирд

Фаолиятини 30 йил олдин бошлаган Гулнора опа замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланади. Ҳафтасига 2 соат дарсининг 1 соатини замонавий проект орқали ўтиши ёш ўқитувчиларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда.

анъанасини давом эттиришмоқда.

– Синфдаги 32 нафар болага ўз фарзандимиздек муносабатда бўлишимиз керак, – дейди Гулнора Мирзабоева. – “Чунки ўқувчи яхши ўзлаштириши учун ўқитувчи касбига меҳр билан ёндашиб, бола қалбига кириб борса, кўзлаган мақсадида эришади. Шунда ҳар бир ўтилган дарс самарали бўлади. Шахсан мен буни фаолиятимда ўзимга қатъий қоида қилиб белгилаб

олганман. Ўқувчилар онгини ўстириш, дунёқарашини янада ривожлантириш учун илгариги эски услублардан воз кечиб, дидактик ўйинлар, интерфаол усуллардан кўпроқ фойдаланаман. Ўзлаштириши сушт ўқувчилар билан ишлаш, улар онгидаги бўшлиқни тўлдириш учун дарсдан кейин мунтазам тўғрақ машғулотларини ўтказиб борамиз. Муҳими, фарзандларимиз яхши ўқиса, келгусида жамият учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган инсон бўлиб етишса, биз ўқитувчилар номимизни ҳалоллаб еганимиз шунда. Бекор кетган бир соат вақтнинг, ўзлаштириши паст синфни яхши натижага олиб чиқолмаслиқни, намунали дарс ўта олмаслиқни ўзимга нисбатан ҳақорат ва давлатга нисбатан хиёнат деб биланман. Чунки муносабатини йилларида барча соҳада бўлгани каби биз ўқитувчи-мураббийларнинг ҳам меҳнатимиз муносиб баҳоланмоқда. Ўтган йили мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирландим. Орадан бир ой ўтиб “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини” муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси” нишони билан мукофотландим. Тўғриси, кетма-кет бундай

мукофот берилиши, оддий ўқитувчининг камтарона меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан юксак баҳолалиши касбимга нисбатан меҳримни янада ошириб юборди. Шундай экан, келажак авлодга таълим-тарбия беришда, уларни пухта билим олишларида ҳар бир ўқитувчи, мураббий ўзини масъул деб билиши керак.

Дарҳақиқат, ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлгани каби, маҳалладошларига ҳам ибрат бўлиб келаётган Мирзабоевлар оиласини кўни-кўшни, маҳалла аҳли ҳурмат билан тилга олишади. Бунда албатта, оила бекаси Гулнора Мирзабоеванинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Асли Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилиб ўсган Гулнора опа бундан 32 йил олдин Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (собиқ Республика тил ва адабиёт институти)нинг ўзбек синфларида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси факультетига ҳужжат топширади. Тенгдошлари қатори талабалар сафига қабул қилинган йигит Ўктамжон Мирзабоев билан талабалик йиллари танишиб, ўқишнинг охириг йили турмуш қуришиди. Тақдири доvon ошиб, шу йўлларга боғланган экан, умр йўлдош билан аҳил-иноқликда 2 ўғил 1 қизни вояга етказишди. Эр-хотин шу касби туфайли фарзандларини ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб олий маълумот олишларида биргаликда меҳнат қилишди. Ҳам ишда, ҳам оилада ибрат бўлганлиги учун “Халқаро оила кунини” муносабати билан “Инсон ва оила манфаати — жамият фаровонлиги” шиори остида Кўқон шаҳрида ўтказилган кўрик-танловда Мирзабоевлар оиласи “Энг обод оила” номинацияси билан муносиб тақдирланди.

Шогирдларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган устозимиз билан фахрланамиз ва бу инсонни яқинлашиб келаётган “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини” билан мактаб жамоаси номидан чин дилдан табриқлаймиз.

**Муборак Нурматова,
Кўқон шаҳридаги 22-умумий
ўрта таълим мактаби,
директори ўринбосари**



КАСБГА СОДИҚЛИК

САОДАТИ

Ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган, ҳамкасблари, шогирдлари ва таниш-билишлари орасида ардоқли маслаҳатгўйга айланган инсонлар юртимизда жуда кўп. 33 йилдан буён Фарғона вилояти, Данғара туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасида фаолият юритиб келаётган Зебохон Акбарова ана шундай жонкуяр инсон-

лардан биридир.

Қаҳрамонимиз ишлаётган маскан бир қарашда эътиборни тортмаса-да, лекин ичкарига кириб дилимиз яйради. Яқинда таъмирдан чиққан боғчанинг ички кўриниши чиройли, ораста, озода эди. Педагоглар формада, тарбиячи ёрдамчилари оппоқ халатда...

Зебохон опа болалигидан тарбиячи бўлишга, болалар билан ишлашга қизиққан. 1985 йил Кўқон педагогика билим юртини битириб, ушбу муассасага ишга келган. Кейинчалик малака ошириш институтида ўқиб қайтгач, услубчи

бўлиб ишлай бошлади. Маҳбубахон Ваҳобова, Муяссархон Нортोजиева, Дилафруз Расуллова каби устозларидан ҳозиргача йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олади.

– Болаларни жуда яхши кўраман, – дейди Зебохон опа. – Шанба кунини боғчага шанбалик қилишга келсак, боғча сув қуйгандек жимжит бўлади. Боғча ҳам болалар билан файзли-да, ахир! Болалар шу дароҳга келишганида бекор кетишмасин, ҳар кунини нимадир янги нарса ўрганишсин, деб тарбиячиларга кўп уқтираман. Исломий билим бериб бориш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Ҳалол ва ҳаромни ўргансин, дейманда. Уларга кўпроқ эртак китоблар ўқиб беришни маслаҳат бераман. Имкон бўлса, айни техника даврида болаларга компьютер сирларини ўргатишни хоҳлардим.

Камтарлиги, очиккўнгиллиги туфайли ҳамкасблари ва яқинлари орасида

33 йилдан буён

Фарғона вилояти, Данғара туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасида фаолият юритиб келаётган Зебохон Акбарова ҳам ана шундай жонкуяр инсонлардан биридир.

ҳурматга сазовор бўлган Зебохон опа оилада яхши бека. Турмуш ўртоғи Расулжон Акбаров билан уч фарзандни вояга етказишди. Катта қизи Маҳфуза молия соҳасини танлаган, ўғли Равшанжон спортчи, кенжа қизлари Зулайхо мактабда етакчи.

– Зебохон опа жуда талабчан ҳамда куюнчак педагог, – дейди 6-мактабгача таълим муассасаси мудираси Жумагулхон Абдурахимова. – Таълим тизимидаги янгиликлар, бу борада Президентимиз куюнчаклик билан таъкидлаётган фикрларнинг ҳар бирини педагогларимизга етказиб боради. Болаларга янги дастур асосида тарбия бериш учун тарбиячилар сидқидилдан меҳнат қилишади. Ҳар бир байрам тадбири, кўрик-танловлар, мусобақаларни янаям қизиқариқроқ, ноанъанавий қўринишда, миллийликка таянган ҳолда ўтказишда Зебохон опанинг ўзи масъул.

Ўз соҳасини яхши билган, жамоада меҳнатчи, куюнчаклиги билан қадрланган одамлар элу юртда ҳам эъзозу эътирофга эришади. Зебохон опанинг узоқ йиллик меҳнати ҳам зое кетмади. 2011 йилда Халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлди.

Ойхон Мараймова, Умидахон Алихўжаева каби шогирдлари ҳам унинг ўғитларига амал қилиб кам бўлишмаяпти.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири**

Муҳаррам опа Ҳолиқова билан Telegram ижтимоий тармоғи орқали танишганмиз. Тез-тез гаплашиб тураемиз. Опанинг ҳар бир сўзида ҳаёт учун зарур сабаб олам. Чундан ҳам яхшиликда ибрат олишга арзирли инсон. Қалби кенг, руҳи улғу бу аёлни муштарийларга ҳам таништиргим келди.

“БЕТОБ БЎЛИБ ҲАЁТ МОҲИЯТИНИ АНГЛАДИМ...”

— Онажоним тарбиячи, дадажоним раҳматли геолог эдилар, — дейди Муҳаррам опа. — Оилада беш фарзандимиз. Турмуш ўртоғим билан Самарқанд тиббиёт институтида битта курсда ўқиганмиз. 1990 йил Қашқадарё вилоятига келин бўлдим. Институтни битиргач, йўлланма асосида Муборак шаҳрига ишга юборишди.

1992 йилдан 2011 йилгача Муборак тиббиёт билим юртида ишладим. Олий тоифали шифокор-педагог эдим. Бўлим бошлиғи, кафедра мудири, хотин-кизлар кенгаши раиси каби вазифаларда фаолият юритдим. Кетма-кет уч фарзандимиз туғилди. Турмуш ўртоғим билан бахтимиз тўкис эди.

2011 йилда қиш қаттиқ келди. Грипп билан оғридим. Бош оғригим кучайиб борарди. Шифокорлар менингит ва миелит (орқа мия яллиғланиши) ташхисини қўйишди. 2011 йил 5 майда иситмам балинд, бошим қаттиқ оғриётган бўлса-да ишга бордим. Дарсимни ўтиб, уйга келиб ётдим. Тонг отиди. Туришга уринаман, жойимдан кўзгала олмайман. Дахшатли ҳақиқат! Фалаж бўлиб қолган эдим. Докторлар Тошкент Нейрохирургия марказига олиб боришди. У ердагилар: “Тай-ёргарликларингни кўраверинглар, фойдаси йўқ”, деб қабул қилишмади. Турмуш ўртоғим кўзимга қараёлмайди. Йиғлайверганидан қизимнинг кўзи шишиб кетганди. Оғриқ кучлигидан ҳушимдан кетиб қолардим. Юрагимда: “Йўқ, мен яшайман, болаларим учун яшайман. Уларнинг бахтини кўраман”,

дердим. Сўнг Навоий шаҳрига онамни-кига олиб кетишди. Онажоним, барака топсин укамнинг хотини Нилуфархон кеча-ю кундуз мени парваришлашди. Қўл-оёғим, бўйним қимирламайди. Шифтга қараб уч йил ётдим. Ётган жойимда: “Ё, Аллох, қўлларимга куч бергин, сочимни ўзим тарай, ўзим овқат ей, таҳорат олайин”, деб ёлворардим. Айрим қайноналар: “Келин барибир келин-да, қиз бўлмайди”, дейди. Балки ўша қайнона келинга она бўлмас керак. Чунки келинимиз Нилуфар менга синглимдан ҳам зиёд меҳрибон, жонқуяр чиқди.

да кўп инсонларни кўрдим. Йиқилдим, қоқилдим ва турдим. Асло чекинмадим. Ҳаётда арзимас нарсаларни деб ўз жонига қасд қилганларни ҳам кўрдим. Инсон ҳар қандай вазиятни тўғри қабул қилиши, табассум билан шуқрона айтиб, яшати керак. Ахир бундан баттар бўлиши ҳам мумкин-ку...

Руҳиятимда “ички кураш” бор. Бир кўлимда тўқийман. Бир кўлим, бир оёғим ишламайди. Юра олмасам-да бир қўлда кир юваман. Ўзига шукр. Иймонли, диёнатли, меҳрибон фарзандларим менга парвона. Айнақса Дилшода қизим: “Аяжон, табассум



Қизларим Нигина ва Дилшода

Ҳозир менга қизларим Нигина ва Дилшода қарайди. Аллоҳга шукр, икки қиз, бир ўғлим бор. Қизим Нигина ҳамшира эди, ўқитувчилик касбини ҳам эгаллади. Яқинда Қарши давлат университетини тугатиб, Муборакдаги 1-мактабга ишга жойлашди. Иккинчи қизим Дилшода ҳам ҳамшира, доим мен билан бирга. Ўғлим Синдор коллежнинг 3-курсда ўқийди.

— Матонатингизга қойил қолади, одам...

— Ҳаёт — синов майдони. Бизга юборилган синовларни сабр ва қаноат билан енгилшимиз керак. Умр карвони-

қилин! Сизга қулиш ярашади”, деб сочларимни турмақлаб, чиройли кўйлақлар кийдириб кўяди. Нигинам эса ширин томлар пишириб, тўқийман учун иплар, китоблар, газета-журналлар олиб келади. Ўғлим Синдор қўшиқ кўйлаб, хушнуд қилади. Ётиб қолганимда ҳаётнинг асл моҳиятини англадим. Табиатни севаман. Инсонларни қадрлайман ва ҳеч қимдан хафа бўлмайман. Турмуш ўртоғимдан миннатдорман, доим ёнимдалар, жонқуяр инсон. Кўп дўстлар орттирдим.

— Оғир кунларингизда атрофингиздагиларнинг ҳақиқий юзини кўрасан, — дейишади...

— Бошим ёстиққа етиб: “Ғалбир сувдан кўтарилди”. Айрим “дўст”ларим мени тарк этди. Соғлигимда пазанда эдим, эшигим очик эди. Ҳамма қавму қариндош, дўстлар келарди. Баъзан хафа бўламан, бир дугонамни кўрмаганимга 3 йил бўлди. Бирини тўрт йилдан бери кутаман.

— Ҳаётдан норози, ношукр одамларни кўргангизда кўнглингиздан нималар кечади?

— Мен бир хонада йиллаб ўтираман. Лекин шукр қиламан. Менинг дунёим бу — мен ўтирган хона. Қўшни хонада нима бўлаётганини кўрмайман. Ёлғир, қор ёғишини деразадан томоша қиламан. Аллоҳга шукр, шунисига ҳам. Ташқарига кам чиқаман. Чунки арава-чам йўқ. Нолимайман, худо хоҳласа, ўғлим пул топса, аравача ҳам олиб беради. Лекин кўзи кўрадиган, қулоғи эшитиб, қўл-оёғи ишлайдиган инсон-

ларнинг нолиганини эшитсам, ҳақлим чиқади, тўғриси. Аллоҳ ношукр бандасини хушламайди. Арзимаган йўқчилик учун турмуш ўртоғи билан қирпичоқ бўладиганлар ота-онанинг жанжалини кўрган болаларнинг руҳи синишини мулоҳаза қилсинлар.

Луқмони Ҳакимга савол беришибди:

— Сиз кўп беморларни даволайсиз, айтинг-чи, энг оғир дард нима?

Луқмони Ҳаким бир сўз билан:
— Муҳтожлик, — деб жавоб қилибдилар.

Ҳеч қим бандасига муҳтож бўлмасин экан. Фарзандларим ақлли, шундай бўлса-да: “Болаларим, мени кечиринглар. Касал бўлиб сизларни безовта қилдим. Она бўлиб овқатингизни қилиб беролмасам... Болалик ва ўсмирлик онларингизни ўғирлаганим, ёшингиздан олдин ўлғайтирганим учун мени кечиринглар!” деб тураман. Болаларим мени деб бирор жойга бемалол бора олмайди. Уқийда хотиржам ўтира олмайди. Имкони борича уларга ўқиб, билим олишлари учун шароит қилиб берганмиз. Фарзандларим халқимиз, юртимиз учун керакли инсонлар бўлиб етишса, мен яна бир қарра бахтиёр она бўламан.

Талабаларим мени яхши кўради. Хабар олиб туришади. Яқинда 20 йил олдин битирган ўқувчиларим келишди. Жамият олдида обрў топдим, десам хато бўлмайди.

Умида АДIZОВА
сўхбатлашди

“ШАРОФ РАШИДОВ БОҒИМИЗГА ТЕЗ-ТЕЗ КЕЛИБ ТУРАРДИ”

Бекобод туманидаги “Маматқулова Жамила” фермер хўжалигида кузги йиғим-терим ишлари қизғин. Хўжаликнинг ер майдони 58,9 гектарни ташкил этади. Утган йили кузда 25 гектарга экилган “Гром” навли ғалладан 55-60 центнер ҳосил олинди. Давлат режасидан ортган 43 тонна бугдойни фермер ўз оморига тўқди. Такрорий экинлар ҳамда 25 гектар майдонга экилган пахтанинг “Султон” нави мўл-кўл ҳосилга кирди.

Фермер хўжалиги раиси Жамила опа Маматқулованинг айтишича, нав танлашда адашмаслик фермернинг икки қарра ютуғи экан.

— Аслида боғбон қизиман, — дейди Жамила Маматқулова. — Отам 360 гектар боғнинг боғбони эди. Оилада ўн бир фарзандимиз. Болалигимиздан меҳнатга ўрганганмиз, ерга меҳр берганмиз. Боғимизга кўплаб меҳмонлар келарди. Айнақса, давлат арбоби Ша-
oilavajamiyat@mail.ru

роф Рашидов тез-тез ташриф буюрарди. Бир кун у киши отамдан: “Ҳосилни нима қиялсизлар”, деб сўрабди. Отам: “70 тийиндан Ўратепага (Тожикистон Республикаси) топшириб келаётимиз”, деб жавоб берибди. Ўша сўхбатдан сўнг Шароф Рашидов ёрдами билан туманимизда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган консерва заводи қурилган экан.

Бир иш бошлашдан аввал отамнинг: “Яхшидан боғ қолади”, деган сўзларини эсламан. Утган йили хўжалигимизнинг мелиоратив ҳолати пастроқ ерида боғ барпо этиш мақсадида туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилиб, 5,71 гектар



майдонда очик боғ ташкил этишга рухсат олдик. Насиб қилса, туман тиббиёт бирлашмаси ёнида анжирзор, ёнқозор барпо этишимиз. Шу йил кузда водийдан боғ учун кўчатлар келтиришни режалаштирганмиз. Шифохонада ётган беморлар сарҳил мевалардан

ўз кўллари билан узиб ейишсин. Токи отамга берган ваъдамнинг устидан чиқай. Мухайё, Мунаввар, Вазира Маматқулова, Соҳиба Шуқурова, Олия Султонова, Абдувосит Сулаймонов, Олимжон Аҳмедов, Абдумутал Акрамов каби жонқуярларимиз билан қилаётган меҳнатимиз ўзининг самарасини берапти. Асли бекободликлар деҳқончилигини яхши билишади. Бир йилда 3 марта-таба ҳосил олмаса, кўнгли тўлмайди. Бу йил эрта баҳорда укроп, кашнич қиммат нарҳда бўлгани кўпчиликнинг молиявий аҳолини яхшилади. Ҳатто бир қўшнимнинг ўғли томорқадан 100 миллион сўм соф фойда кўрди.

Дилидагиларни очиқ-ойдин сўзлаётган фермер эл манфаатлари учун тиним билмай ишлаётганидан мамнун. Жамила опадек жонқуяр фермерларимиз бор экан, юртимиз бундан-да гуллаб яшнайверади.

Нигора УРОЛОВА,
Тошкент вилояти

Санъат оламида ўз овози, услуби, мухлисларига эга бўлган серқирра ижодкор Шухрат Дарё саҳифамиз меҳмони.

– Шухрат ака, эҳтимол бу саволни сизга кўп беришгандир, келинг, суҳбатимизни тахаллусингизга ойдинлик киритишдан бошласак. Нима учун айнан Дарё?..

– Табиатан суви яхши кўрадиган, уни қадрлайдиган, бир томчисини ҳам увол қилмасликка ҳаракат қиладиган одамман. Сув – ҳаёт манбаи. Бироқ сув ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, денгиз ва уммонлар суви шўр. Дарё суви чучук, ундан ҳамма – инсонлар, ўсимликлар, жониворлар бирдек баҳраманд бўлади. Ўз кўшиқларимни яратсам, улар дарёдек тўлқинланиб оқса, минглаб қалбларга оби ҳаётдек сингса, ҳаловат бағишласа, деган ниятда шу тахаллусни танлаганман.

– Асли гастроэнтролог шифокор-сиз. Касбингизни ўзгартирадиган даражада санъатни танлашингизга нима туртки бўлган?

Шухрат Дарё:

– Шифокорликни танлаган бўлсам-да, ҳаммаша санъат билан яшаганман. Санъаткорлар иштирокида бўлиб ўтган бир фестивалда олий ўринни кўлга киритдим. Устоз санъаткорлардан бири: “Аллоҳ ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бетакрор овозингиз бор экан. Созандалик маҳоратингиз ҳам таҳсинга лойиқ – рубоб, гитара чаларкансиз, мусиқа ёзаркансиз. Сизнинг жойингиз саҳнада”, деган эди. Ҳақиқий санъаткорлар аслида қалб шифокорларидир. Мусиқа билан даволаш ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Шу боис ҳозир қилаётган ишим ва аввалги касбим ўртасида унчалик катта фарқ кўрмайман. Ака-укадек яқин бўлиб кетган, менга ўрганиб қолган беморларим бор, уларга ҳозир ҳам маслаҳатлар бериб тураман. Бошида таваккал қилишга чўчидим. Аммо касбимни, тақдиримни ўзгартиришга ўзимда куч топдим. Ижодимни кузатиб борадиган, қадрлайдиган мухлисларим бор. Худди аввалгидек кимларгадир керак эканлигимни ҳис қилиб яшاپман. Аслида шунинг ўзи – бахт

– Собиқ касбингизга доир савол: мисол учун биринчи хонада ўтирган гастроэнтрологга 5 иккинчи хонадагига 40-50 нафар бемор навбатда турибди. Бунинг сабаби нимада?

– Биринчидан, шифокорни қандай малакага эга эканлиги, иккинчидан, беморлар билан қандай муомала қилишига боғлиқ. Ким кучли билимга эга бўлса, самарали даволаш натижаларига эриша олади. Яна бир гап, халқимиз, фалончи докторнинг кўли жуда енгил экан, деган гапга ишонади. Яхши устоз кўрган, тажрибали шифокор шундай сифатларга эга бўлади ва одамлар унинг ортидан излаб боради. Шифокорлик баъзида қаттиққўлликни ҳам талаб қилади. Тажрибамдан ўтган бир воқеани айтиб бераман. Бир отахон қизини етаклаб келди. “Қизим соппа-соғ эди, нимагадир ошқозонига бир нарса қадалаяпти”, деди. Мен уни рентгенга юбордим. Отахон эса: “Пастдагилар сизга юборишди, сиз яна бошқага юбораясиз”, деб норозилик билдирди. Олдин ошқозонига оғриқ бўлмаган одам бирданги шикоят қилса, ошқозон ёки ичагида ёт жисм бўлиши мумкинлигини, буни фақат рентген аниқлашини тушунтирдим. Рентгенга тушганидан сўнг ўн икки бармоқли ичақда нина борлиги аниқланди. Отахоннинг қизи ти-

кувчи экан. Чеварларнинг кўпчилигида иш устида нинани лабига қистириб туриш одати бор. Ўша қиз ҳам лабига қистирган нинасини ўзи сезмай ютиб юборган. Ошқозондан нина олиб ташланганидан сўнг, отахон узар сўради. Агар мен ўшанда шифокорлик позициясида турмай, отахоннинг раъйига юганимда балки қизнинг ҳаёти хавф остида қолармиди?

– “Кўйлақлари билан чўмилган қизлар”, “Япон нега юз йил яшайди”, каби долзарб мавзудаги кўшиқларингиз бор. Кўшиқ инсон тақдирини ўзгартириб юборадиган даражадаги кучга эга, деган фикрга муносабатингиз қандай?

– Ботир Зокиров “Газли” ҳақида кўшиқ айтган. Газли бу бир чўл-у биёбон. Шунақа чиройли ифода билан айтгани, беихтиёр ўша ерни кўргиси келади одамнинг. Ёки “Иглз” гуруҳи томонидан 1978 йилда айtilган “Калифорния меҳмонхонасига хуш келибсиз”, деган кўшиқни ҳозир ҳам кўпчилик мириқиб тинглайди. Бу кўшиқ матнида муҳаббат ҳақида бирорта сўз йўқ – муҳаббатнинг ўзи бор. “Укам” деган кўшиқни ижро этганимдан сўнг икки йил бир-бири билан гаплашмай юрган ака-укалар ярашиб кетганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Ҳар қандай мавзудаги кўшиқ маромига етказиб айtilса, одамларни яхшиликка етаклайди.

– Ижодкорнинг ўсишига нима тўсқинлик қилади?

– Кибр ҳамда ортиқча комфорт (қулайлик) ижодни тўхтатиб қўяди. “Ҳамма нарсам бор, қўлимни қаёққа узатсам етади, кимлигимни ўзингиз тушуниб олаверинг”, қабилидаги одамзодга хос камчилик уни йўлдан оздиради. Фаросатли, интизомли, яхши

Сувон домланинг рубобини овозига қизиқиб борганман, овози зўр эди. Мендаги рубоб магазинники, домланики қўлда ясалган рубоб бўлгани учун оҳанг бошқача чиқарди. Домланинг рубобини чалиб кўришни жуда-жуда истардим.

тарбия олган, дунёвий ҳамда диний илмдан хабари бор инсон кибрни ўзидан нарироққа суради. “Мен ижодкорман, инсон ҳаёти давомида одамларга қандай фойда келтириши, из қолдириши мумкин бўлса, шунинг ҳаммасига ҳаётимни бағишлашим зарур” деб интилган одам ҳаммаша ютади.

– Баъзи ижодкорларнинг гапи бошқа-ю, иши бошқа бўлади. Ўзлари айтган сўзларга ҳаётда ўзлари амал қилишмайди...

– Бу саволингизга бир мисол билан жавоб берсам. Илгари тез-тез ижодий сафарларга бориб турардик. У пайтда мен сигарет чекардим. Ёш болалар, одамлар олдида эмас, бекитиб чекардим. Концертдан сўнг ташқарига чиқсам, тиркамали трактор турган экан. Тиркама панасида чека бошлагандим, трактор юриб кетди. Сал нарироқда ҳамма менга қараб турган экан, гўёки айб иш устида қўлга тушган одамдек хижолат бўлдим. Шундан кейин, “Чекишни ташлайман, мендан кўриб ёшлар ҳам чекади”, деб дилимга тугиб қўйдим. Бу осон кечмаган бўлса-да, аммо буни уддаладим. Ўзингиз чекувчи бўлсангиз, қандай қилиб ёшларга чекиш соғлиқ кушандаси эканини тарғиб қила olasиз.

– Қарашлари, фикрлари сиз-

ўйла, шунда бошқаларга ёрдам берган бўласан”, деган фикрларни уқдим. Масалан, бугун пастдаги кўшним: “Сув оқяпти, уста қақириб, тузатинглар”, деб шикоят қилиб чиқди. Укам уста, ҳамма иш қўлидан келади. Мен эса бу кўлларим билан гитара чаламан, ёзаман. Қўшнимга: “Эртага укам келса тузатиб беради”, десам ҳам бўларди. Аммо укамнинг телефони ўчирилган экан, найлож, ўзим трубаларни очиб, уч соат шу иш билан овора бўлиб, тўғриладим. Қанийди, укам яқин жойда турса-ю, қақирганимда лаббай, деб етиб келиб, шундай муаммоларимни ҳал қилиб берса, қандай соз бўларди. Мана сизга жамоа, одамларнинг бир-бирига қанчалик кераклигининг исботи. Пайғамбаримиз (с.а.в), “Қариндош-уруғларга силаи раҳм қилин”, деганлар. Шу фикрларга амал қилсак, тўғри яшаган бўламиз.

– Сизга мусиқа сирларидан сабоқ берган устозларингизни ҳам эслаб ўтсангиз...

– Учинчи синфда ўқиётган пайтимда Шокир акам эслаб қолиш қобилитинг яхши, кеча телевизорда берилган кўшиқни айтиб юрибсан, деб мактабимиздаги мусиқа ва рақс тўғарагига олиб борган. Мусиқа ўқитувчиси Сувон домла эшитиб кўриб, тўғаракка олган. Сувон домланинг рубобини овозига

КАМГАП АЁЛЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛАМАН



ҚИСКА САВОЛЛАРГА, ҚИСКА ЖАВОБЛАР

га тўғри келмайдиган давраларда ўзингизни қандай тутасиз?

– Суҳбатдошимнинг дунёқараши иккинчи синф даражасида бўлса, ўша даражага тушиб гаплашаман. Академик бўлса, уни ҳам зериктирмай суҳбатлаша оламман. Лекин инсон ўз билимини миннат даражасига чиқармаслиги керак. Бу менинг даражадаги одам эмас, у билан гаплашмайман, десак биздаги олижаноблик туйғуси йўқ бўлиб кетади.

– Кейинги пайтда давраларда: “Инсон ҳаётга бир марта келади, ўзи учун яшаб қолиши керак”, деган сўзлар қулоққа чалина бошлади...

– Менимча бу “оммавий маданият”нинг таъсири. Бизnes соҳасида илғорлаб кетган, аёлларнинг пардоз-андоз ашёларини ишлаб чиқарувчи Мери Кейнинг интервьюсини ўқиб қолдим. “Мен ўзимни ўйлайман, яхши кўраман, ўзим учун яшайман. Нимага бошқалар учун бошимни ортиганим керак. Сен аввало ўзингни

– Қандай фазилатли аёлларни ҳурмат қиласиз?

– Фаросатли, кам гапирадиган.

– Кеча билан бугунни нима боғлаб туради?

– Режалар.

– Ўз маънавий оламингизни бойитиш учун фирм имунитетини нималардан олсиз?

– Китобдан.

– Доно одамни ақли инсондан қандай фарқи бор?

– Доно одам ақлини керакли жойда ишлата билади.

– Ақлга буйсунасизми ёки ҳис туйғуга?

– Эракк киши ҳаммаша ақл билан иш кўриши керак.

– Ҳаётда қандай муаммони ечиш сиз учун қийинроқ?

– Инсон руҳияти билан боғлиқ муаммоларни

– Аёл билан эракк қачон бир-бирини қизиқтирмай қўйиши мумкин?

– Бир-бирига ортиқча талаб қўя бошласа.

қизиқиб борганман, овози зўр эди. Мендаги рубоб магазинники, домланики қўлда ясалган рубоб бўлгани учун оҳанг бошқача чиқарди. Домланинг рубобини чалиб кўришни жуда-жуда истардим. Ва ниҳоят бунга эришдим. Кейин олийгоҳда, мусиқа оламида кўплаб устозлардан таълим олдим. Бугун эса ҳаёт менинг устозимга айланди.

**“Оила ва жамият” муҳбири,
Нигора Алишер қизи
суҳбатлашди.**

oilavajamiyat@mail.ru

Ёмғир шивирлаб ёғаётганди. Кимларнидир маҳзун қилиб, кимларнингдир асабига тегаётган бу ҳаво Али муаллимга ёқади. Болалиги, соҳилларда оёқяланг ўйнаб юрган пайтларини эслаб бораркан, кириш кўнғироғи ни эшитиб, синфига, бебош, бадфёъл ўқувчиларининг ёнига шшилди.

Унинг ўқувчиларини бошқа ўқитувчилар: “Бошга битган бало”, дейишарди. Али муаллимнинг ўзи ўқувчиларига нисбатан бу хунук сўзни асло ишлатмайди. Бошқа ўқитувчилар бу мактабга ишга келганига уч ойгина бўлган Али муаллим уч йиллик ишни уддалаганини таъкидлашади. Негаки, ҳаммани жонидан тўйдирган бу синфнинг бебош



Али муаллим

ўқувчилари нима бўлди-ю, тарбияли болаларга айланди-қолди.

– Бу бебошларга қўлини тутган, елкасидан айрилади, – дерди тажрибали устозлардан Ойша хоним. У ҳақ эди. Шу кунгача бу синфни одам қилиш учун кўп ўқитувчилар куч сарфлаганди. Лекин ҳеч ким бунга муваффақ бўлмаганди. Бу ўқувчилар синдирмаган ойна, бузмаган эшик қолмади. Ойша хонимнинг газаби ҳам бекорга эмас, синфдаги ўқувчиларнинг китоблари учун йиққан пулни ҳам шу бебош болалар умарганди.

Уларни тўғри йўлга солиш учун тез-тез вазийлар кенгашининг мажлисини чақиртиришарди. Ҳатто ота-оналар ҳам болаларини қандай қилиб одам қилишни билмай бошлар қотган эди. Бу йиғилишлар: “Нима қиламиз?” деган савол билан бошланиб, шу савол билан якунланарди. Ҳар мажлисда дастурлар тузилар, интизомий чоралар тактикаси ишлаб чиқилар, аммо уларнинг ҳеч бири амалда наф бермасди. Ана шундай бебош ўқувчиларнинг феъли кескин ўзгарганидан Ойша хоним ҳам ҳайратда эди. Бу мавзу ўқитувчилар орасида узоқ муҳокамаларга сабаб бўлди. Аммо Али муаллим ортиқча бирор сўз гапирмасди.

Аслида у жаҳлдор ҳам, қаттиққўл ҳам эмасди. Ўзи ҳақидаги эътирофларни эшитгани сари хижолат чекар, хижолатликдан баттар гапиролмасди. Фақат зарур ҳолатлардагина атрофдагилар билан мулоқот қиларди. Ҳамкасблари уни қадрлар, Али муаллим “Бу мактовлардан қочсам, қизиқишлари сўнар”, деб ўйлаганди. Бирок унга қизиқиш орди.

“Болалар ақлли, зукко, доно ўқувчиларга айланди. Бу натижага қандай эришдинг? Тажрибанингинг сири нимада?” Бундай саволларга жавоб тополмаган Ойша муаллим бошчилигида махфий “комиссия” тузилди. Махфий гуруҳ Али муаллимга тааллуқли ҳар нарсани кузатиш ва унинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмаслик топшириғини олди. Аммо ёмон мақсадда эмас, азбаройи қизиқиш устунлигидан ташкил топди бу “гуруҳ”. “Қизиқувчанлик одамни бозорга, туюни қозонга тикар”, деб бекорга айтмаган экан қадимгилар. Хуллас махфий

кузатув гуруҳи Али муаллим устидан иш бошлади. Синфига хуфя кузатув камераси ўрнатдилар. Ўқувчиларидан нозик саволлар сўрадилар. Ҳатто оилавий ҳаётию, қўни-қўшнисини ҳам суриштирдилар. Алининг бутун майда-чуйдасини “Чоршанба бозор”и каби ёйдилар: “Помидорнинг кичигини олди, фалончига салом берди, бошқасига бош қимирлатди...”

Ҳар қанча уринишса ҳам арзирли бир сабаб топмадилар. Одамга ўхшаган одам. Ҳеч кимдан кам ё ортиқ жойи йўқ. Али муаллим ҳам уларнинг ҳолини билди. Бу қизиқишни ўлдириб, асл вазиятни тушинтириш учун унда ҳам етарли сабаб йўқ эди. “Билсам, ўзим ҳам айтардим-да!” дерди ичида. Аввалги ишлаган мактабда ҳам шундай бўлганди. Айиққа ёқмаган ўт бурнининг тагида битармиш, деганларидек, Али муаллим ўзи билан ўзи қолишни қанчалик истаса, одамлар унинг атрофида шунча кўп ўралашишарди. Бошқаларнинг эътиборини тортмаслик учун кўзга ташланадиган кийим ҳам киймасди ҳатто.

Бир куни Ойша муаллима Муродни чақиртирди. Мурод мактабда “жиноий ҳаракат”ларда рекорд кўйган бебош ўқувчи эди. Охириги пайтда мактабнинг коптокларини маҳалладаги болаларга сотишга уриниб, қўлга тушгани учун ҳамма коптокларни бирма бир пичоқ билан ёрганди. Бир пайтлари мактаб орқасидаги бута тагида юқори синф ўқувчиларига сигарета сотган ва “савдо”си шунчалик кенгайиб кетганки, Дениз афанди бутадан ёнгин чиққан деб тахмин қилганди. Энди ўша Мурод бир чиройли шельлар ёзади, ҳатто мактабда “Яшилло” билимдон ўқувчилар гуруҳи бошлиғи ҳам.

Ойша хоним Муроддан сўради: – Али муаллим нималар қилади, нималар дейди сенга, бунчалик ўзгариб кетдинг?

– Билмадим, – Мурод елка қисди. – Унақа алоҳида бошқаларга ўхшамайдиган нарсаларни гапирмайдилар. Ҳамма ўқитувчилар гапирадиган гаплар...

– Яхши, ўғлим. Сен ҳам ўзгарганингни биласанми? Мен бунга нима сабаблигига қизиқман...

– Биламан. Лекин бунга нега Али муаллим билан боғлаясиз? Мен ҳамма

нарсани ўз истагим билан қиламан. Биров мени мажбурлаёлмайди.

Ойша муаллима: “бу ёлгон гапиряпти” дея ўйлади. Юз қиёфаси ўзгарди:

– Ҳаммангизни бирдай жазолаяптими? – деди болага шапалоқ туширишдан ўзини зўрга тийиб.

Ишнинг бундай тус олишини кутмаган ўқитувчилар Муроднинг бошини силаб, хонадан чиқариб юбордилар. Ойша хоним ҳаддидан ошганди, ўзини назорат қилолмай қолганди. Бу воқеадан кейин бошқа ўқитувчилар Али муаллим масаласини қўйиб, ўзи

Хуллас махфий кузатув гуруҳи Али муаллим устидан иш бошлади. Синфига хуфя кузатув камераси ўрнатдилар. Ўқувчиларидан нозик саволлар сўрадилар. Ҳатто оилавий ҳаётию, қўни-қўшнисини ҳам суриштирдилар.

иши билан бўлиб кетди, лекин Ойша муаллима хануз қизиқишлари ортида вақт ўтказарди.

Кунлар, ҳафтаалар, ойлар ўтди. Баҳор келиб, дарахлар япроқ ёзиб, қалдирғочлар қайтган паллалар мактабга тафтишчилар келди. Ўқитувчилар хавотир ва ҳаяжонларини сиртга чиқармасамса-да, ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Аммо бу ҳаяжон хавотир ёки қўрқувдан эмас, бутун иш жараёни нигоҳлар таъқиб ва кузатувида бўлиши ҳаяжони эди. Али муаллимнинг иш режаси, дастури, барча ҳужжатлари тайёр эди. Ўқувчилари уни ҳурмат қилар, болаларининг билгани ҳам талабга жавоб берарди.

Тафтишчи Усмон афанди тўртинчи соат Али муаллимнинг дарсини кузатаётганди. Мактаб ўқитувчиларининг фикри ёди Али муаллимнинг дарсида, ҳамма йилнинг буюк воқеасини кузатиш учун Ойша хонимнинг хонасида, махфий камера уланган компьютер мониторида кўз тиккан эди. Дарс бир маромда кечарди; ишланма, тушунтириш, ўқувчилар билан ишлаш, режалар ҳаммаси мукамал тарзда эди. Усмон бей Али муаллимдан:

ЭМРАҲ БИЛГИ МАРДИВОН

– Хавфсизлик камарини ушбу мавзуга боғлаб тушунтирмадингизми? – дея сўради. – Йўқ, – деди Али муаллим. – Тушунтирмадим.

– Ҳўп, бирор дарсда айтиб ўтурсиз унда?

– Йўқ, айтмайман.

– Бу билан нима демоқчисиз?

Диалог қизиқарли тус ола бошлади. Воқеани миллий футбол жамоасининг ўйинини кузатаётгандек ҳаяжон билан томоша қилаётганлар қутилмаган ҳолатта гувоҳ бўлаётганлар.

– Айбга буюрманг, жаноб, аммо хануз вақти келмади.

Ақсарият ҳолда вазминлиги билан кўзга ташланган Усмон бейнинг овози кўтарилди:

– Вақти келмади, деганингиз нимаси? Дастурга кўра икки ой аввал бошлашингиз керак эди-ку?

Али муаллим бироз хижолат чекиб тушунтира бошлади:

– Ёлгон нималигини биласизми?

– Биламан. Бунинг нима алоқаси бор?

– Мен ҳеч қачон ўзимда синамаган, ўзим қилмаган ишни бошқаларга ўқтиролмайман. Бундай ҳолда ўзимни ёлгон гапирётгандек ҳис қиламан. Нафасим бўғилади, юзим қизаради. Сиз сўраган масалага келсак... Болаларга хавфсизлик камарини тақийи кераклигини айтишим учун ўзим бунга амал қилишим керак. Бир ойдан бери ўқув машғулотлари жараёнида хавфсизлик камарини тақаяпман. Сизга ваъда бераман, шу ишни қила бошлаганимга қирқ кун тўлсин, бунга ўқувчиларимга ўргатаман...

Ойша хоним монитorni ўчирди. У қилган ишдан уялаётганди. Ҳаммалари бир-бирларига маъноли қарашарди. Ҳатто бир сўз демая тарақлишди. Кун охирида кичик бир мажлис бўлиб, тафтиш якунланиши эълон қилинди. Ҳамма ўқитувчилар хонасига йиғилди. Мажлисини олиб бораётган Усмон бей:

– Биз ҳам бу ерга хавфсизлик камарини тақмай келганимиз, шундай экан ҳали гапирishi навабтимиз эмас, – дея кулимсираган қўйи Али муаллимга сўз берди.

Али муаллим шошиб, ютинди. Хижолатликдан биронинг зўига қараёлмай, гултувақдаги гулга тикилган қўйи гап бошлади:

– Менинг устозликдан ўрганган икки шиорим бор, бири – ўқитувчиликни гул етиштириш деб биламан. Агар гулнинг ўсиб, кўзингиз қўнашини истасангиз фақат тупроғига аҳамият беринг. Шохини, япроғини тортиш уни ўстирмайди, аксинча тўзитади. Иккинчиси: агар ойнада кўринган аксингиз сизга ёқмаса, уст-бошингизни тўғрилайсиз. Кўзгунини майдалаб, синдириш чора бўлмайди, бу ҳолда у синиб, қўлингизни кесади... Болалар ўсадиган тупроқ менман. Ойнада кўринган аксинг асли ҳам менман. Бир неча ойдан бери: “Бу одам нима қилляпти, болаларни қандай тарбиялаяпти”, деб қизиқдингиз. Мен ҳеч қачон инсонларни тўғрилайман ёки тарбиялайман, деб курашмайман. Фақат ўзим билан курашаман, ўзимни, феълимни тарбиялашга уринаман. Шунинг учун ҳам бирор сирим ёки сизга айтишим мумкин бўлган бошқарув қобилиятим йўқ. Сизлардан ягона истаганим – мени ўз ҳолимга қўйинг! Бундан кейин сиз хоҳлагандек эмас, ўзим хоҳлагандек яшашни истаيمان.

Али муаллим бошини кўтарганида кўзлари ёшга тўлган, ўқитувчилар уни қарсақ билан олқишлаётган эдилар. Чидаб туролмади, орқасига ўгирилиб хонадан чиқиб кетди. Кета туриб коридорда йиғлаётган товушда изтиробли хитоб қилди: “Мени ўз ҳолимга қўйинг, демадимки сизларга?!”..

Умида АЗИЗ
таржимаси

КАДАСТРНИНГ ИШИ БАДАСТИРМИ?

ёхуд Сурхондарё дарёсининг қирғоқбўйи ерлари нега талон-тарож қилинмоқда?

**(Давоми. Боши 1-бетда)
ЗАМОНА ЗҮРНИКИ,
ТОМОША КҮРНИКИМИ?**

Ақсарият ҳолларда эгаси йўқ ёки эгаси кўп нарса қадрсиз бўлади. Соҳиби саноқсиз бўлатуриб оёқости қилинаётган ана шундай неъматларга мисол сифатида аслида дахлсиз, амалда дохиллари бисёр қирғоқбўйи ерларини келтириш мумкин. Юртимиздаги сойлар, дарёлар кулларнинг соҳиллари, тоғли, булоқли гўшаларни кузатсангиз, бу жойларнинг ақсариятида эгалик ҳуқуқи учун бўлаётган низоладега дуч келасиз. Бундай гўзал жойларга кўнгли суст кетганлар уларни кўлга киритиш йўлида чунонам рақибларга айланадиларки, бундай беадоқ жанжаллар "Замона зўрники, томоша кўрники", деган мақолни ёдингизга солади.


Айни шу кунларда Сурхондарё дарёсининг Қумқўрғон тумани ҳудудидан ўтвчи қирғоқбўйи ерларида ана шундай ҳолатларни кузатиш мумкин.

"Жанжалли зона" Қумқўрғон туманининг "Тўғон" маҳалласига қарашли. Қирғоқдаги ернинг асл эгаси расман Қумқўрғон туман Автомобиль йўлларидан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобланади. Амалдаги эгаси эса, ўзи "Нефтчилар" маҳалласида рўйхатда турса-да, уч ярим йилдирки, айнан шу низоли жойнинг олтиш сотихини эгаллаб, ердан номқасд фойдаланиб келаётган Панжибой Жабборов бўлади.

Ҳар қанча манглай тириштирсакда, ақли ожизимиз бир нарсага сира етмайпти: мансаб-мартабасиз одам билиб-билмай ўз томорқасидан кўча ё хўжалик даласига тегишли бўлган ҳудудга бир-икки қарич чиқиб кетса, бундай ҳимоясиз фақирнинг танобини тортиб қўядиганлар дарҳол топилади. Бироқ, таниш-билишлари кўп, қўли узунларга ҳар қандай тўсиқлардан бир ҳатлаб ўтиш чўт эмас. Ушбу олтиш сотих ерни П.Жабборовга туманининг собиқ ҳокими Ж.Мамайтўминов 2014 йилнинг 17 май куни 920-қарор билан ҳатлаб берган. Ваҳоланки, мазкур ер дарё қирғоқларининг дахлсиз ҳудудига киришидан ташқари, ана шу 60 сотих майдоннинг 11 сотихи Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалиги тасарруфидадир. Қирғоқбўйи полоса ҳудуди кимгадир тортиқ қилинишидан аввал, тегишли тартибда, вилоят Автомобиль йўлларидан фойдаланиш бош бошқармаси ҳамда вилоят Ўрмон хўжалиги каби қонуний эгаларининг рўзалиги олиниши керак эмасиди. Собиқ ҳоким чиқарган қарор матнида "Цитрус мевалари етиштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиغان захира ерлардан 0,60 гектари ажратиб берилсин", деган жимжимадор жумлалар мавжудки, уни ўқисангиз, лимон, апельсини мандаринлар таъминоти туюб, оғзингизнинг суви қолади. Бироқ ушбу ерни кўлга киритиб, уч ярим йил эгалик қилган П.Жабборов бу ерга ақали бир туп лимон кўчати экмади. Мушачанинг тухумидек ҳосил олмади. Дарвоқе, ўзи йўқ боғдан қанақасига ҳам ҳосил олсин? Ақинча, аввалдан мева бериб турган бир қанча дарахтларни илдизи билан қавлаб, чопиб ташлади ва доимий яшаш учун ўзига кўша-кўша иморатлар солди.

**"ТАВБА" ДЕБ, ЁҚА
УШЛАЙСИЗ...**

2017 йилнинг 10 январида Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси фуқаро Ж.Тожиёв билан



дон, мева, сабзавот ва бошқа экинлар етиштириш мақсадида бир йил муддатга худди ўша ҳудуддан 0,11 гектар ер ажратиб бериш учун №03-рақамли шартнома тузади. Унга кўра, ўша ерга ишлов бериш ва шартномадаги зироатларни экиш мақсадида борган янги эгани П.Жабборов қувиб солади. Ж.Тожиёв ҳамда Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси ўша 0,11 гектар ерни ажратиб олиш даъвоси билан Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига ариза беради. Даъвогар ўз даъво талабларини асосли, ишончли ҳужжатлар билан ҳарчанд асосламасин, суд негадир уларнинг барчасини рад этиб, ҳал қилув қарорини Панжи Жабборов фойдасига чиқаради.

Суд даъвогар томонидан келтирилган бир талай асосли ҳужжатларни эътиборга олмайди. Масалан, қарорда Жасурбек Тожиёв "Ўзбошимчалик билан қурган ва ўз ҳисобидан буздириб ташлансин", деб эътироф этилган пойдевор аслида Панжи Жабборов томонидан қурилган, шунингдек, уч ярим йилдирки, у эгаллаб келаётган 0,60 гектар (низоли 0,11 гектар ер ҳам шунинг ичида таъкид бизники Ч.С.) майдонга ҳоким қарориди таъкидланган вазифа — цитрус мевазор барпо этиш ўрнига доимий яшаш учун иморатлар солинганию, ердан бошқа мақсадларда, фойдаланиб келаётгани, мевали дарахтлар чопиб ташлангани аниқ далиллар асосида исботланса-да, инобатга олинмайди.

"...суд тақдим этилган ҳужжатларимизни эътиборсиз қолдирди. Асосли важларимизни эътиборга олмади. Ҳал қилув қарорини олиш мақсадида бир неча бор суд идорасига қатнаб сарсон бўлдим. Бунга 15 сентябрдагина (тўққиз кун кечикиб Ч.С.) эришдик. Аммо оғзаки ўқилган қарор билан матндаги қарор бир хил эмас экан..." (Сурхондарё давлат марказий Ўрмон хўжалиги кадастр мутахассиси Бахтиёр Йўлдошевнинг тушунтириш хатидан).

Шунингдек, "Сурхон соҳили" ўрмонбеги Камол Тошматов ҳам шу мазмунда тушунтириш хати ёзиб берган.

Таажуб. 2017 йил 6 сентябрда бўлиб ўтган суд мажлисида номаълум сабабларга кўра, адолат тарозибони бир кунда, иккинчи хал қилув қарори чиқаради. Уларнинг бирида юқорида таъкидлаганимиздек, ўша 0,11 гектар низоли ерни "Бу сизларга тегишли ер эмас", дея Сурхондарё давлат Ўрмон хўжалигининг даъвосини пучга чиқарган

бўлса, иккинчисиди "Уч туп мевали дарахтни кесиб, Ўрмон хўжалигига ва табиатга зарар келтирган" дея Панжи Жабборовга 404 минг 392 сўм жарима солади. "Тавба", деб ёқангизни ушлайсиз. Ер кимники ўзи?"

Биз яна бир номутаносиб ҳолатдан — ўзлари мутасадди бўлган ҳудудда қонунлар ижросини назорат қилиш биринчи галдаги вазифаси бўлган туман, вилоят прокурорларининг бепарволигидан таажубкуба тушдик. Айнан бир масалага тааллуқли муурожаатга вилоят прокуратурасидан бир хил мазмунда иккита жавоб хати юборилган.

1. "Сизнинг ўрмон хўжалиги ерлари талон-тарож қилинаётгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини номига йўллаган муурожаатингиз вилоят прокуратураси томонидан ўрганилди..."

...Мазкур иссиқхона қуриш учун ажратилган 0,12 гектар ер майдони дарё қирғоғидан 55 метр масофада бўлиб, мутахассислар томонидан ўрганилганда қирғоқбўйи минтақасига кирмаслиги аниқланган. Ушбу жавобдан норози бўлсангиз, юқори турувчи прокурорга муурожаат қилиш ҳуқуқингиз борлигини тушунтирирман. **Имзо. 16.08.2017й. 11-101-2017."**

2. "Сизнинг ўрмон хўжалиги ер майдонини фуқаро П. Жабборов ўзбошимчалик билан эгаллаб олганидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини номига йўллаган муурожаатингиз мутахассислар иштирокида ўрганилди.

Ўрганишда, фуқаро П. Жабборовга туман ҳокимининг 17.07. 2014 йилдаги 920-сонли қарори билан 0,60 гектар ер майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиغان жойдан цитрус мевалар етиштириш учун иссиқхона қуришга ажратилганлиги аниқланди. Сизнинг ўрмон хўжалиги ердан 0,10 гектар ер майдонини қўшиб олганлиги тўғрисидаги важингиз тасдиқланмади. Ушбу жавобдан норози бўлсангиз, юқори турувчи прокурорга муурожаат қилиш ҳуқуқингиз борлигини тушунтирилади. **Имзо. 27.08.2017й. 11-282-17."**

Қонун посбонлари муаммага жиддийроқ қараганларида, низоли ерда бир туп ҳам цитрус дарахти экилмаганини, экилиш у ёқда турсин, мевали дарахтлар чопиб ташланганини кўрган бўларди.

Башарти деҳқон унга ғалла, пахта, боринг ана мева-сабзавот етиштириш учун хатлаб берилган ерни шахсий томорқасига айлантириб, яшаш учун иморатлар солса, қонунчиликда унга қандай жазо берилади?

**ЭНДИ БОШҚАЛАРНИНГ ҲАМ
ФИКРИНИ ЭШИТАЙЛИК:**

"Қумқўрғон тумани Жалойир маҳалласида яшовчи Жўраев Достонга. Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси сизга шуни ёзиб маълум қиладики, 2017 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёев номларида ёзган шикоят аризангиз вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан жойида, сизнинг иштирокингизда ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди..."

...Шундан келиб чиқиб низоли жой Жабборов Панжи эгаллаб ва фойдаланиб келаётган 0,12 га. ер майдони ўрмон хўжалигига тегишли эканлиги баён этилган. Жабборов Панжининг ушбу ер майдонини ноқонуний эгаллаб олганлиги учун ўрмон хўжалиги томонидан тегишли тартибда судга даъво аризаси киритилган... Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Р.П. Алимов. (30.07.2017й. 16-сонли хат)"

Ушбу хат юқоридаги хатлардан кескин фарқ қилади. Негаки, ўрганиш жараёнига аризачининг ўзи ҳам жалб этилган. Иккала прокурорнинг жавоби ҳам баъзи ўринларда бир-бирига мантқан, зид келмоқда. Бири ўз жавобиди низоли ерни 0,12 гектар деб қурсатса, бошқаси 0,10 гектар дея таъкидлайди. Мутахассислар "қўриб, ўрганиб" келган жойга ўзлари ҳам чиққанларида низоли ер мандаринзорми, ё ёнтоқзорми, ўз кўзлари билан кўрган бўлур эдилар.

"...Харитадаги 3к-контурдан 0,60 гектар ер ажратилган бўлса-да, ушбу ер майдонидан иккита ноқонуний ревишда уй қуриб яшаб келаётганлиги аниқланди ва уй-жой қуриш учун асословчи кадастр ҳужжатларини тақдим эта олмади. Ариза муаллифи Ж.Тожиёвга 03.01.17 й. 3-сонли шартнома асосида 0,11 га. ер майдони фуқаро П.Жабборовдан қайтариб олиниб ўлчаб берилди. Фуқаро П.Жабборов томонидан ноқонуний қурилган уй-жой ва сугурчи ташланган олма кўчатларининг фотосуратлари илова қилинди... 07.05.17 йил." (Сурхондарё давлат марказий ўрмон хўжалиги ҳуқуқшуноси Х.Бобомуродов, мутахассис Д.Холиқов, вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси Ф.Мирзаев, Туман ер тузиш ва ер кадастри мутахассиси Ш.Сағатов, "Тўғон" МФЙ раиси А.Тўраев, ариза муаллифи Ж.Тожиёв ҳам фуқаро П.Жабборовлар имзолаган далолатномадан кўчирма).

Р.С: Ушбу можарони ўрганиш жараёнида тагин битта ҳақли савол туғилди, собиқ туман ҳокими Ж.Мамайтўминовнинг 2014 йил 17 майдаги 920-сонли қарори билан ҳатлаб берилган, бир қисми Сурхондарё вилоят Ўрмон хўжалигига тегишли бўлган олтиш сотих ер расман нима деб аталади: деҳқон хўжалигими, оилавий пудратми ё шахсий томорқами? Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

**Чорихон СОДИҚ,
"Оила ва жамият"нинг
Сурхондарё
вилояти бўйича муҳбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рекламдан пул топаётган ташкилотлар, фойда ортида инсон манфаати билан бирга унинг маънавияти ҳам турганини ҳисобга олишлари, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишлари зарур.

Сардор САЛИХОВ, Ўзбекистон миллий телерадиокомпания реклама-маркетинг бўлими бошлиғи:

– Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисида”ги низоми бандларида рекламалар Ўзбекистон қонунларида зид, нотўғри тарғибот қилинмаслиги белгиланган. Ундан ташқари телеканаллар концепциясидан келиб чиқиб, тавсия қилинган реклама роликлар ижодий кенгаш томонидан кўриб чиқилади.



Мутахассиснинг куюнганича бор, албатта. Чунки, онгу-шууримизга оқиб кириб, бизни тўғри фикрлашдан чалғитадиган, асабимизга тегадиган бундай рекламаларга ҳар кун кўзимиз тушади.

“Меҳр ва оқибат” ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти “Эзгуликни танла” деб номланган янги ижтимоий лойиҳа бошлаганидан кўпчиликнинг хабари бор. Ушбу лойиҳани Ўзбекистоннинг қўллаб маданият, санъат ва спорт юлдузлари қўллаб-қувватлашди. Лойиҳа мақсади ҳайвонларга нисбатан юз бераётган шафқатсизликка қарши жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат бўлиб, унинг асосий шиори – “#озорберма”, деган ибора.

Сентябрь ойида Тошкентнинг барча реклама майдонларида, автобус бекатларида ушбу ижтимоий реклама плакатлари пайдо бўлди. Плакатларда

ўша ҳолатни такрорлаш истаги пайдо бўлади. “Меҳр ва оқибат” ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти шу гоёни илгари сургани яхши, аммо плакатлардаги ёзувларда бироз ғализлик бордек назаримда. Мисол учун, Мирзо Улугбек туманига қарашли “Statistika boshqarmasi” бекатига ўрнатилган реклама баннерида кўзидида ёш оқизи турган мушунинг сурати остига катта ҳарфлар билан “ИНСОН БЎЛ” деб ёзиб қўйилган.

Ойжамол МЎЪМИНОВА, ўқитувчи.

– Паркент бозори худудидан ҳар кун ишга қатнайман. – Бозорга қарама-қарши йўлнинг четидида реклама баннерида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, мумтоз кўшиқлар устаси, эл суйган санъаткор Муножот Йўлчиева дўппи ва адрас матоли миллий либосда оппоқ мушукни бағрига босиб турибди. Рекламанинг

РЕКЛАМА: МАНФААТ ВА МАЪНАВИЯТ

Биз ўнга яқин реклама агентликлари билан ҳамкорлик қиламиз. Эфирга узатилишидан 5 кун олдин реклама ролиги бизга юборилади, уни кўриб чиқиб, камчиликлари бўлса ҳамкорларимизга айтиб, тузаттирамиз. Шу иш билан шуғулланувчи агентликлар шакл билан бирга мазмунга ҳам жиддий эътибор қаратишлари, жавобгарликни ҳис қилишлари зарур. Яна бир гап, реклама тайёрланиш жараёнида маънавиятчилар билан биргаликда ҳамкорлик қилинса яхши бўларди. Бизнинг бўлигимиз давлат тасарруфидаги 13 телеканалга хизмат кўрсатади. Шу боис ҳар бир роликни илҳом борица томошабинга сифатли етказишга ҳаракат қиламиз.

Боҳодир ҲАЙИТМЕТОВ, Республика маънавият ва маърифат марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари вазифини бажарувчи:

– Тошкент шаҳри худудидида ташқи реклама воситаларини жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

публикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Афсуски, ташқи реклама воситаларида жойлаштирилиши мўлжалланган тижорат рекламаси ва бошқа ахборотларнинг эскизларида амалдаги қонунлар бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради. Рекламаларда миллий маънавиятимизга зид бўлган расмларнинг ишлатилишини тартибга солиш, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари номи, корхоналар, маҳаллалар ва ҳоказолар номлари тўғри ёзилганлигига эътибор қаратиш зарур, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, бугунги кунда хусусий эълонларни жойлаштириш муаммоси ҳам мавжуд. Уларни жойлаштириш бирор бир ҳуқуқий-норматив ҳужжат билан бошқарилмайди. Хусусий эълонлар тартибсиз равишда кўринган жойга: ёриткич устунлари, бино деворлари, бекатлар ва бошқа жойларга ёпиштирилмоқда. Бу ҳолатлар меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши ва ҳуқуқий чоралар белгиланиши керак.

Реклама воситаларини жойлаштириш “Реклама тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида амалга оширилади

“Инсон бўл”, “Озор берма” каби иборалар ёзилган. Уларда Ўзбекистоннинг маданият, санъат ва спорт юлдузлари ҳайвонлар билан суратга тушиб, аҳолидан ҳайвонларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлишни сўрайди.

– Тўғри, орамизда ҳайвонларга шафқатсизларча муносабатда бўладиган кимсалар ҳам йўқ эмас, – дейди Алишер ота Ибодинов. – Мультфильм ёки жангари фильмларда ҳайвонларни ўлдириш билан боғлиқ сахналарни кўрган болада худди

бир четига катта-катта ҳарфлар билан: “Болалар қалбини яхшиликка тўлдириш”, деб ёзиб қўйилган. Бу билан реклама бўюртмачилари фарзандларимиз қалбидида жониворларга меҳр уйғотиш, уларга зийн етказмаслик кераклигини айтмоқчиدير эҳтимол. Аммо бу гапни: “Жониворларга меҳр беринг!” тарзида ифода-лаш ҳам мумкин эди-ку. Бу ерда гоёни нотўғри талқин этилиши билан бирга, санъаткорнинг обрў-ҳурмати, шу билан бирга ўзбек аёлининг тимсоли, иззат-нафси масаласи ҳам турибди.

Бундай рекламаларни балки катта ёшли инсонлар тўғри тушунар, ўзларича мулоҳаза юритар. Аммо реклама – узоқ ўйлаш, мулоҳаза қилиш, дегани эмас, у бир лаҳзада инсонни ўзига ром этиб, маълум бир нарсага нисбатан кизқиқ уйғота олиши керак. Шундай экан, одамларни эзгуликка чорлаш ниятида ижтимоий реклама роликларини тайёрлаётганлар ҳам унинг мазмун-моҳиятини яхшилаб ўйлаб, кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлармиди?!

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

ЧИҚИНДИ ТИТИБ ЮРГАН БОЛАЛАР

Ажратилган худуд тўрт гектар, деб кўрсатилган бўлса-да, амалда бу миқдор анча ошиб кетган. Чиқинди тўкиладиган худуд йиллар давомида ўраб олинмаган. Истаган кимса, айниқса, болалар “чиқиндизор” оралаб юрибди...

Бу мулоҳазалар Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Деҳқонobod маҳалласи Жоби қишлоғида ташкил этилган туманнинг марказий чиқиндихонаси ҳақида айтилиши керак бўлган очиқ ва аччиқ ҳақиқатдан бир шингил, холос. Аслида чиқиндихона учун тўғри жой танланганми, йўқми, деган саволга мутахассислар жўяли гап айтгани маъқул. Худуд аҳоли турар жойлари, “Қирқ ариқ” канали ва интенсив боғнинг қоқ марказида жойлашган.

Чиқиндихонада 7-14 яшар қишлоқ болаларининг чиқинди титиб юргани янада ташвишланарли. Маҳалланинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўпалмазорлаштириш бўйича комиссия аъзолари, қишлоқ врачлик пункти ходимлари бу вазиятдан хабарсиз қолган кўринади. Акс ҳолда қаровисиз, назоратсиз болалар тақдири, саломатлиги ҳақида кимдир қайғурарди.

– Шу қишлоқда яшайман, уйимиз чиқиндихона худудига яқин жойлашган, – дейди 18-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Бувинисо Боймонова. – oilavajamiyat@mail.ru

Кўпинча аёллар ва болалар иккиламчи чиқиндиларни уйига ташиб кетишади. Ана шу ишни даромад манбаига айлантириб олган оилалар бор. Улар вояга етмаган фарзандларини ҳам шу ишга жалб этаётгани ачинарли. Айрим ота-оналар боласига мол боқишни тайинлаб, ўзлари ишда бўлишади. Билмайдики, мактабдан қайтган фарзанди қолган асосий вақтини яйлловга айланган чиқинди уюмлари орасида ўтказмоқда.

– Чиқиндиларнинг очиқ ҳолатда уюлиб, кўмилмаслиги оқибатида пашша ва чивинлардан озор чекаймиз, – дейди Адолат Ғаффорова. – Қишлоқда биз авваллари ҳеч эшитмаган ҳашарот турлари кўпайган. Ёш боласининг кўзини афгон пашшаши қақиб, шишиб кетгани учун шаҳар шифохоналарида даволатганлар бор. Бу вазиятни туман ветеринария ва давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходимлари қандай баҳолашар экан?

– Ҳа, худудга бегоналар кириши ман этилган, – дейди чиқиндихона қоровули Ўктам Умрзоқов. – Буни назорат қилиш менинг вазифам. Аммо худуд катта, бунинг устига тўлиқ ўраб олинмаган. Гоҳида бу иш бир ўзимга қийинлик қилади. Чунки ҳар беш-ун дақиқада чиқинди ортилган машиналар келиб турибди. Уларни қабул қилишим, чиқинди ҳажмини ўлчамим керак. Бундай вақтда



кўзни шамғалат қилиб, ёш болалар чиқинди тепаликлари орасига мол кўйишади. Чиқинди титкилашади. Уларни ота-оналари қайтариши керак. Ахир чиқиндининг қони зарар экани, соғлиққа ҳаф солишини барча билади-ку.

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунда юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти фуқаролар ҳаёти ва соғлиғининг ҳамда атроф-муҳитнинг ҳавфсизлигини таъминламоғи кераклиги қатъий белгиланган. Шунга қўра, чиқиндиларни аҳоли пунктларига яқин

ерлар, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиш тақиқланади.

Модомики, юқоридаги ҳолатлар инсон саломатлиги, атроф-муҳит барқарорлигига жиддий таҳдид солаётган экан, соҳага алоқадор барча давлат ва жамоат тузилмалари, мутасаддилар бу ҳолатга жўяли тақлиф ва ечим ахтариларли лозим бўлади.

Орифжон ОДИЛОВ,
журналист
Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ
олган сурат.

УСТАНИНГ ОРЗУСИ

УШАЛМОҚДА




Юртимизда тарихий қадамжолари ва осори атиқалари билан машҳур масканлар жуда кўп. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос хунармандчилик маҳсулотлари билан донг таратган. Мисол учун, Самарқанд чинниси ва қоғози, Бухоро ва Тошкент ёғоч ўймакорлиги неча минг йиллик тарихга эга. Сурхондарё ва Қашқадарёда эса уста хунармандлар томонидан тўқилган гиламлар бутун дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Марғилон адраси ва атласи Буюк ипак йўлидаги савдо карвонлари орқали юртимизга келиб, савдо-сотик қилган савдогарлар томонидан юқори баҳоланган. Шунингдек, Чуст пичоқчилиги ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий хунармандчилик анъаналаридан ҳисобланади.



Чуст туманининг "Боғи Эрам" маҳалласида истиқомат қилувчи уста хунарманд

Раҳимжон Убайдуллаев пичоқчилик сирасорларини ёшларга ўргатиб келаётган моҳир усталардан бири. Мана, қирқ йилдири, уста устозшогирд мактабини яратиб, хунари ортидан элда обрў-эътибор қозониб келмоқда. Айни пайтда пичоқчилар сулоласининг еттинчи авлоди бўлган



дейди уста. – Негаки, пичоқ ясаш учун фақат қизиқишнинг ўзи камлик қилади. Тўғри, осон ишнинг ўзи йўқ, барчасига меҳнат, сабр-тоқат билан эришилади. Бироқ пичоқчиликда бошқа хунар турлари сингари шунчаки, бир уриниб кўрайчи, ўхшамаса, бошқасини кўраман-да, деган гап кетмайди. Чунки биз темир ва олов билан ишлаймиз. Бунинг ўзига яраша сир-синоати ва машаққати бор. Шунинг учун ҳам хунар ўрганиш мақсадида келган ёш йигитларнинг аксарияти бу машаққатларга дош беролмайди. Йиллар давомида синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларни ёнимизга олиб, ишлашда давом этамиз. Отам Қутбиддин уста пичоқчиликни бобом Убайдулла пичоқчининг ёнларида 7-8 ёшлигидан юриб ўрганган эканлар. Мен ҳам ақлимни таниб, отамнинг ёнида у бу юмушларга қарашиб юрганимда шу ёшда эдим. Ўғлим Раимжон ҳам ота-боболаримиздан қолган анъанани давом эттиришга бел боғлаган. Ҳозирги кунда эго, абайма, платин, нержавейка



Раҳимжон аканинг 30 нафар шогирди ясаган бир-бирдан бежирим пичоқлар мамлакатимиз ички бозорларида жуда харидорғир саналади.

– Шогирдларимдан кўнглим тўқ, –

каби материаллардан 70 хил пичоқ тайёрляпмиз. Ҳар бир уста бир ҳафтада 16 дона пичоқ ясайди. Бу бир исқат деб аталади. Маҳсулот тайёр ҳолатга келгунга қадар тўрт, беш босқичдан ўтади. Астойдил ишлов берилган пичоқларни яна бир бор кўздан кечириб, гилофларга жойлаймиз. Шогирдларим қўлида яратилган пичоқларни ҳозирги кунда Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинаётганидан мамнунман. Бу пичоқларни келгусида Америкага ҳам экспорт қилиш ниятим бор. Тез орада шогирдларим меҳнатини янада рағбатлантириш, хунармандчилик анъаналаримизни дунёга танитишга эришамиз.

200 та янги иш

ўрни яратилишига, касб-хунар коллежларини битираётган йигит-қизларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Устани анча йиллардан бери бир муаммо – Чустада хунармандчилик маркази қуриш муаммоси қийнаб келаётган эди. Бу борада унинг ёрдам сўраб бормаган идораси қолмади. Бироқ бу гоёни амалга ошириш учун ҳаракатдан, мурожат қилишдан чарчамади. Ва ниҳоят устани эртаю кеч ўйлантираётган масала Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи чоғида ўз ечимини тоғди. Тошкент – Чуст катта йўли ёқасида ушбу иншоотни бунёд этишга шахсан давлатимиз раҳбари хайрихоҳлик билдириб, хунармандчилик маркази қуриш

учун сарфланадиган 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағни давлат томонидан йўналтиришда ёрдам беришни ваъда қилди. Сабаби, Буюк ипак йўли кесиб ўтган бу ерларда бир қатор хунармандлар саройлари бўлиб, бу саройларда минглаб хунармандлар турли йўналишдаги уй-рўзгор буюмларини ясаб, савдога чиқарганликлари тарихдан маълум. Худди ўша хунармандлар саройлари ўрнида янги, замон талабига жавоб берадиган иншоот учун ажратилган 48 сотих ер майдони боғ қилинади, шунингдек, атрофи девор билан ўралган бинода сайёҳлар учун алоҳида музей, меҳмонхона, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилади.

Биламизки, Чуст пичоқлари вилоят кўзгуси ҳисобланади. Бундай эзгу мақсад замирида авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанани давом эттириш, келажак авлодга

Шогирдларим қўлида яратилган пичоқларни ҳозирги кунда Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинаётганидан мамнунман. Бу пичоқларни келгусида Америкага ҳам экспорт қилиш ниятим бор.

хунар ўргатишдек фидойилик устага ота мерос бўлиб қолган. Қолаверса, бу ерда хунармандчилик марказининг барпо этилиши вилоятда туризмни ривожлантириш билан бирга миллий хунармандчиликнинг пичоқ, қилич, ханжар ясаш, дўпдўзлик, ганч ўймакорлиги, қулоқчилик, наққошлик, тунукасолик, зардўзлик, тикувчилик, темирчилик, тошга ўйма нақш солиш, қўлда гилам тўқиш каби йигирмадан зиёд йўналиш бўйича ёшларни жалб қилиб, 200 та янги иш ўрни яратилишига, касб-хунар коллежларини битираётган йигит-қизларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 4-мавзё, 28-уйда жойлашган "Дилис мая" МЧЖ иш фаолиятини тугатганлиги сабабли ёпилади.
Телефон: 224-71-06

Азимов Қодиржон Алиевичга тегишли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Жангоҳ маҳалласидаги 3-А уй 6-хонадон уй ҳужжатлари йўқолгани сабабли БЕКОР қилинади.

Оила ва жамият

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темуր кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 926. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 4910. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Н. Раҳмонова
Мусахҳид: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5